



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2019 йил «3» септембр № 5385к

Боғот шаҳарчаси

Нусха № _____

Фуқаро Матризаева Наргизага Боғот шаҳарчаси Боғот кўчаси худудига 2 та «Аҳолига хизмат кўрсатиш» учун замонавий типдаги бутка ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида.

Боғот тумани Ғалаба маҳалласида яшовчи фуқаро Матризаева Наргизанинг Боғот шаҳарчаси Боғот кўчаси худудига (4,0x10,0) метр ўлчамдаги 2 та «Аҳолига хизмат кўрсатиш» учун замонавий типдаги бутка ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман хокимлигига йўллаган 2019 йил 21-майдаги ХО-М-2292-сонли аризасини ва туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 2019 йил 19-июндаги 300/1-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани Ғалаба маҳалласида яшовчи фуқаро Матризаева Наргизага Боғот шаҳарчаси Боғот кўчаси худудига 2 та «Аҳолига хизмат кўрсатиш» учун замонавий типдаги (4,0x10,0) ўлчамдаги буткани вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Матризаева Наргиза Боғот шаҳарчаси Боғот кўчаси худудига замонавий типдаги (4,0x10,0) ўлчамдаги бутка ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда, амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36,38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огохлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Матризаева Наргизага Боғот шаҳарчаси Боғот кўчаси худудига замонавий типдаги (4,0x10,0) ўлчамдаги 2 та “Аҳолига хизмат кўрсатиш” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани хокими

О.Холбоев